

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА ЧИЛАРНИНГ БОШЛАНГИЧ САРАЛОВИ

Курбанова Д.С.

АДУ., Доцент.

Казоков Р.Т.

ЎзДЖТСУ., Катта ўқитувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14520350>

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва доимий раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт борган сари Давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида ривож топиб бормоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун [1] ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган ва айни кунда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб борилаётган қатор ҳукумат қарорлари бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий ва спорт гимнастикасини оммалаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.“Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради”.

Мамлакатимизда спортни, унинг нафис тури – гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қизлар ўртасида гимнастикани ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, бунинг учун куч ва имкониятларни сафарбар этиш ҳаммамизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлиши керак.

Энг муҳим томонлардан бири шуки, болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари спортчи ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, иқтидорли болаларни танлаш, синов-тажрибалардан ўтказиш, уларни етук спортчи қилиб тарбиялашга жиддий эътибор кучаймоқда.

Аниқ ва истиқболли мақсадга йўналтирилган ҳолда юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг сифати бир нечта омиллар, шу жумладан спорт билан шуғулланиш учун болаларни танлаш, саралаш билан ҳам аниқланади. Айтиб ўтилганлар танланган мавзунинг ўта муҳимлиги ва долзарбилигидан далолатдир.

Илмий-услубий ва даврий адабиёт манбалари материалларини таҳлил қилиш мураббийлар ва соҳа мутахассислари ёш спортчи қизларни саралаш ва истиқболларини баҳолашни етарлича юқори даражада ўтказиш имконини берадиган маълумотлар билан етарлича қуролланган эканлигини кўрсатди. Бунга эгилувчанлик, сакровчанлик кўрсаткичларини ва бошқа қобилиятларни баҳолаш ва назорат қилишни киритиш мумкин.

Шунинг билан бирга координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасини объектив баҳолаш ва назорат қилиш имконини берадиган услубий материаллар учрамади.

Бошқа томондан, кўпгина тадқиқотчилар ишларида биринчи навбатда бадиий гимнастика учун катта аҳамият касб этадиган координацион қобилиятлар аниқланган.

Бироқ, уларни аниқлайдиган тестларни танлаш масаласида услубий ишлар деярли учрамайди.

Ҳозирги замон ривожланиш босқичида спортда саралаш ва унинг барча босқичларини пухта ўйлаш ва самарали ҳал қилиш муаммосининг долзарбилиги пасайиш ўрнига янги куч билан ўсиб бормоқда. Бу шу билан боғлиқки, бугунги кунда қўлланаётган спорт саралаш амалиётини ҳозирча етарлича самарали ва юксак ютуқлар спортининг тезкор ривожланиб бораётган замонавий талабларига жавоб беради деб баҳолаб бўлмайди.

Бадиий гимнастика соҳасида аҳамиятга молик омиллар сифатида, биринчи навбатда, ёш гимнастикачи қизларни дастлабки саралаш жараёни, уни ташкил қилиш ва ўтказиш, саралаш жараёнида иштирок этган ёш гимнастикачиларни қизиқишилари, қобилияtlари ва имкониятларига мос келадиган спорт турига йўналтириш, ёш гимнастикачиларни синаш пайтида қандай усул ва топшириқ (тестлардан) фойдаланиш ҳамда бундай синов тестларининг пухталиқ, информативлик ва ишончлилик даражаси, чаққонлик, эгилувчанлик, мускуллар сезгирилиги аниқлиги, динамик мувозанат, координацион қобилияtlар, сакровчанлик сингарилар таъкидланмоқда.

Зикр этилган юксак ва исиқболли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун эса, юқорида таъкидланганидек, болаларни имкон қадар эртароқ спортга ошно қилиш керак.

Спорт билан шуғулланиб келаётган ёшларни ўз имкониятлари, иқтидорлари ва ҳавасларига мос спорт турига йўналтириш ҳамда уларнинг орасидан энг келажаги порлоқ спортчиларни танлаш мухим ва узоқ келажакни кўзлаб амалга оширилиши керак. Бунинг заминида эса бошлангич танлов масаласи ётади. Бадиий гимнастикада, кейинги йилларда, қиз болалардаги қобилият ва истеъод музаммоларига бўлган қизиқиши янада ортди. Ёш, энди спортга кириб келаётган қизалоқларни ҳартомонлама пухта ўйлаган ва энг оптималь варианти танлаган ҳолда, ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамлаб соғлом ўсиши, ҳам юксак натижалар спортида муваффақият билан иштирок этиши мумкин бўлган спорт турига йўналтиришни амалга ошириш керак. Бу соҳада амалга оширилган тадқиқот ишлари етарлича ва ҳартомонлама. Бироқ, бу абадий ва доимо ўта мухим ва долзарб муаммонинг иштирокчилари бўлмиш ёш синалавучи даъвогарларни ўзгариб туриши унга ҳар куни ва ҳар доим эътибор қаратилишини талаб қиласди.

**Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқсан холда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгилаб олинди:**

1. Бадиий гимнастикани замонавий ривожланиш даврида қизларни бошлангич саралаш тизими ва ҳолати бўйича адабиёт манбалари ва амалиёт маълумотлари бўйича ҳолатини аниқлаш;

2. Тадқиқ қилинаётган ёшдаги гимнастикачи қизлар учун жисмоний кўрсаткичларини аниқлаш тестлари гуруҳини аниқлаш;

3. Ёш бадиий гимнастикачи қизларнинг бошлангич саралаш бўйича жисмоний кўрсаткичларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар мажмуасини амалий аҳамиятини тажриба йўли билан аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, кейинги босқич тайёргарлигига ёш қизларни саралаш тизимида жисмоний кўрсаткичларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва унинг самарадорлиги тажриба йўли билан тасдиқланди.

1-жадвал.

**5 ёшли спортчи қизларнинг жисмоний ривожланганлиги асосий  
кўрсаткичларининг баҳоси.**

| спортчи<br>т.р. | Гавда узунлиги, см | Оғирлиги, кг | Кўкрак<br>айланаси, см |
|-----------------|--------------------|--------------|------------------------|
| 1.              | 100                | 15           | 56                     |
| 2.              | 108                | 16           | 54                     |
| 3.              | 107                | 16           | 54                     |
| 4.              | 108                | 18           | 56                     |
| 5.              | 100                | 14           | 54                     |
| 6.              | 105                | 16           | 56                     |
| 7.              | 111                | 16           | 56                     |
| 8.              | 131                | 20           | 59                     |
| 9.              | 111                | 17           | 56                     |
| 10.             | 124                | 16           | 56                     |
| 11.             | 106                | 17           | 55                     |
| 12.             | 102                | 18           | 58                     |
| $\bar{X}$       | 109,42             | 16,58        | 55,83                  |
| $\sigma$        | 9,327              | 1,56         | 1,53                   |
| V, %            | 8,52               | 9,433        | 2,74                   |

**2-жадвал.**

**6 ёшли спортчи қизларнинг жисмоний ривожланганлиги асосий  
кўрсаткичларининг баҳоси.**

| Спортч<br>и т.р. | Гавда узунлиги,<br>см | Оғирлиги, кг | Кўкрак<br>айланаси, см |
|------------------|-----------------------|--------------|------------------------|
| 1                | 115                   | 17           | 60                     |
| 2                | 120                   | 15           | 59                     |
| 3                | 113                   | 17           | 58                     |
| 4                | 119                   | 16           | 60                     |
| 5                | 113                   | 17           | 57                     |
| 6                | 112                   | 15           | 55                     |
| 7                | 115                   | 18           | 54                     |
| 8                | 115                   | 15           | 59                     |
| 9                | 116                   | 19           | 56                     |
| 10               | 114                   | 20           | 57                     |
| 11               | 119                   | 21           | 58                     |
| 12               | 114                   | 17           | 56                     |
| $\bar{X}$        | 115,42                | 17,25        | 57,42                  |
| $\sigma$         | 2,609                 | 1,959        | 1,9286                 |
| V, %             | 2,261                 | 11,361       | 3,359                  |

1- ва 2- жадвалда келтирилган маълумотлар асосида аниқланган антропометрик параметрларнинг 5 ёшли гимнастикачиларга нисбатан 6 ёшли қизларнинг бундай кўрсаткичларининг ўсиши қўйидагича: бўйининг ўртача арифметик қиймати 5,48 % га, вазни 4,02 % га ва кўкрак қафаси айланаси 2,83 % га ўсганлиги аниқланди.

**ХУЛОСАЛАР.** Ёшларни спортга яроқлилигини аниқлаш – кўп босқичли кўп йиллик жараён, у спорт тайёргарлигининг барча босқичларини ўз ичига қамраб олади. У маълум спорт турида муваффакиятли такомиллашишини таъминлаш учун, спортчининг қобилиятини ҳар томонлама ўрганиш, ушбу қобилиятларни шаклланиши учун зарур замин яратишга асосланган. Унинг кўпгина назарий ва услубий жихатлари етарли даражада очиб берилган.

Лекин афсуски, муаммонинг бир қатор қоидалари ишлаб чиқилганига қарамасдан, халигача болаларни спортга яроқлилигининг назарияси ва спорт машғулоти услубиятини бир бутун тизими мавжуд эмас. Одатда болалар у ёки бу тўгаракка тасодифан келадилар: дўстлари билан, ота оналарнинг хохишига кўра. Энг яхши холда, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси спортнинг бирор бир тури билан шуғулланишини маслаҳат беради ёки яқин жойлашган БЎСМ дан мактаб беллашувига мураббий келиб иқтидорли болани кўриши мумкин. Натижада, болаларнинг кўпчилиги “Ўзиники бўлмаган” спорт тури билан шуғулланадилар, йиллар сарфлайдилар, лекин керакли натижага эришмайдилар ва спортдан кўнгли қолиб чиқиб кетадилар. Эҳтимол, улар спортнинг бошқа бир турида муваффакиятга эришишлари мумкин эди.

Жамланган адабиёт манба маълумотларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Мавжуд адабиёт манбаларида ёш бадиий гимнастикачи қизларнинг спортга яроқлилигини аниқлаш, яъни саралаш ва истиқболлаш (башорат қилиш) муаммоси бўйича мавжуд материаллар аниқ тавсия ва услубий ишланмалар камлиги балан характерланади.

2. Спорт саралashi болалик давридан бошланади ва мамлакат терма жамоаларида Олимпиада ўйинларида ва Жаҳин биринчиликларида иштирок этиш билан тугалланади.

У тўртта босқичда амалга оширилади: БЎСМ бошланғич тайёргарлик гурухларига; мактаб ёшидаги болаларни ўқув-тренировка гурухларига ва БЎСМ такомиллашув спорт гурухларига саралаш; туман, шаҳар, вилоят ёки спорт жамиятларига ихтисослашган саралаш ва мамлакат терма жамоаси таркибига маъсулиятли мусобақаларда иштирок этиш учун саралаш.

3. Педагогик тажриба бошланишида назорат ва тажриба гуруҳи гимнастикачи қизларнинг саралаш тизимида жисмоний кўрсаткичларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар мажмуаси бўйича кўрсатган натижаларининг статистик характеристикалари, кўпчилик бундай тажрибалардаги сингари, бир-бирига жуда яқин ва асосан, кичиклиги эканлиги аниқланди; бу гурухлардаги спортчиларнинг тайёргарлик даражаси бир-бирига яқинлигидан ва тажриба яхши ўтказилганидан далолат беради.

Педагогик тажриба давомида тажриба гурухида қайд қилинган натижалар ўртacha арифметик қийматларининг ўсиш кўрсаткичи ҳамма тестларда ҳам назорат гурухида қайд қилинган мос натижалар ўртacha арифметик қийматларидан юқорилиги аниқланди.

## REFERENCES

1. Rasulov A. S. et al. CHUQURLASHTIRILGAN IXTISOSLASHUV BOSQICHIDA FUTBOLCHILARNING TEZKOR-KUCH SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 307-316.

2. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 271-279.
3. Buraimov I., Kazoqov R. XOKKEYCHILAR FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 49-56.
4. Allamurodov S. I. et al. O 'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMUY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO 'YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 39-48.
5. Юсупова Р. И., Қазоқов Р. Т., Султанова Г. К. METHODS OF MUSCLE TENSION TO DEVELOP QUICK-STRENGTH SKILLS IN GYMNASTS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 10. – C. 471-479.
6. Kurbanova D. S. Basic Approaches to Children's Health at Preschool Educational Institutions //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
7. Kurbanova D. S. Physical Developing Senior Preschool Age Children by means of Mobile Games SES PE //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
8. Isakjanova R., Muhiddinova D. Maktabgacha yoshdag'i bolalar nutqini rivojlantirishdagi innovatsion texnologiyalarning tasnifi //Инновационные исследования в науке. – 2022. – T. 1. – №. 14. – C. 51-55.
9. Islomjanovna A. M. Bolaning Ijtimoiylashuv Jarayonidagi Omillar Hamda Oil A Va Jamiyatning Ahamiyati //International Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2024. – T. 12. – №. 6. – C. 1154-1158.
10. Khurramov E. E. Preparation of future physical education teachers to innovative activity during the pedagogical practice //Eastern European scientific journal. – 2017. – №. 5.
11. qizi O'razaliyeva, Sojida Tojiboy, and Mahina Faxriddinovna Xolnazarova. "MAKTABGACHA YOSHDAKI BOLALARDA AQLIY QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALARI." INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING 1.8 (2022): 591-594.
12. qizi O'razaliyeva, Sojida Tojiboy, and Dinola Nuraliyevna Ustayeva. "MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARDA SOG 'LOM RAQOBATNI SHAKLLANTIRISH INTELEKTUAL SALOHIYATINI OSHIRISH." INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING 1.8 (2022): 577-580.
13. qizi O'razaliyeva, Sojida Tojiboy, and Ulbosin Baydulla qizi Atabekova. "MAKTABGACHA YOSHDAKI BOLALARNING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH." INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING 1.8 (2022): 556-559.

14. Abdumatalovna, Abdurasulova Maqsadoy. "TA'LIM VA TARBIYANING BIR-BIRIDAN FARQLOVCHI HAMDA BIRLASHTIRUVCHI JIHATLARI." *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI* 2.1 (2022): 347-349.
15. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 732-741.
16. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 742-753.
17. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 552-560.
18. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
19. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 9. – C. 99-105.
20. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЙОКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
21. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
22. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
23. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 552-560.
24. Казоқов Р. Т., Мирзабиллаева А. И., Мирзабиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
25. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
26. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limgni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.

27. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ//Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
28. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ//Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
29. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
30. Казоқов Р. Т., Жўрақзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
31. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
32. Джўрабаев А. М., Казоқов Р. Т. Биомеханик таҳлиллар асосида енгил атлетикачиларнинг функционал тайёргарлигидаги корреляция алоқаларининг таҳлили //Yoshlarni qo ‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” ga bag‘ishlangan. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-208.
33. Bektorov O. Y. et al. MONITORING THE KNOWLEDGE, SKILLS AND SKILLS OF STUDENTS DURING THE TRAINING PROCESS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 342-352.
34. Kazoqov R. T., Bo'ronov A. B. SPORTDAGI DOLZARB YANGILIKLAR //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 47-56
35. Казоқов Р. Т. и др. SPORT MENEJMENTI VA MARKETINGI: MUAMMOLAR //TENDENSIYALAR VA ISTIQBOLLAR. – С. 1-237.
36. Eshpo'latov S. S. METHODS AND PRINCIPLES OF IMPROVING TECHNICAL AND TACTICAL SKILLS AND PHYSICAL TRAINING OF YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1296-1302.
37. Kazoqov R. T., Eshpo'latov S. S. YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS ARE THE PROCESSES OF ORGANIZING TRAINING SESSIONS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1303-1310.
38. Pirmatov O. Z., Kazakov R. T. ROLE AND PLACE OF SPORTS AND ACTIVE GAMES IN THE GENERAL STRUCTURE OF EDUCATIONAL AND PRODUCTION PRACTICE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 125-131.

39. Kazakov R. T., Rasulov Q. Q. TRAINING IN INTERNATIONAL WRESTLING TECHNIQUES AND TACTICS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 9. – C. 180-186.
40. Axatov L. K., Burliyev U. K., Kazoqov R. T. AESTHETICS OF SPORTS SPECTACLE //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 19-28.
41. Kazoqov R., Akmuradov M. PSYCHOLOGICAL FOUNDATIONS OF JUDO //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 481-488.
42. Kazoqov R. T., Umaraliyeva F. T. DRAW A KINESICYCLOGRAM OF SHORT-DISTANCE RUNNING AND BUILD A TIMELINE //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1201-1208.
43. Kazoqov R. T. et al. IMPROVEMENT OF TECHNICAL TRAINING OF SHORT-DISTANCE ATHLETES //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1077-1084.
44. Kazoqov R. T. et al. STARTING TECHNIQUE IN SHORT DISTANCE RUNNING //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1070-1076.
45. Xalmuxamedov R. et al. ANALYSIS OF THE DEPENDENCE OF THE CONDITIONS OF THE MIDDLE MOUNTAIN OF INDICATORS OF THE INTENSITY ZONES OF TRAINING TRAINING LOADS OF QUALIFIED BOXER WOMEN //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 473-483.
46. Shoyimardanov S. A., Bobomurodov A. E., Kazaqov R. T. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 425-434.
47. Jumayev U. X. et al. ANALYSIS OF THE FINANCIAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN OFFICIAL DOCUMENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 1202-1209.
48. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPURATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 982-989.
49. Raxmatov B. S. et al. SHORT DISTANCE RUNNING TECHNIQUE //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 990-1000.
50. Yugay L. P. et al. RECOVERY OF THE BODY OF SHORT-DISTANCE RUNNING ATHLETES DURING SPORTS TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 365-371.
51. Akbarov A. et al. ANTHROPOMETRIC-PHYSIOLOGICAL INDICATORS OF MIDDLE-DISTANCE RUNNERS AND RECOVERY OF THEIR BODY DURING TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 358-364.
52. Kim D. et al. PEDAGOGICAL ANALYSIS OF THE PARTICIPATION OF STUDENT ATHLETES IN THE SWEDISH TEAM AND THE SWEDISH TEAM IN THE UZBEKISTAN CHAMPIONSHIP IN HEIGHT ATHLETICS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 346-353.

53. Nurullayeva D. S. et al. ETHICAL PROBLEMS AND THEM IN THE FIELD OF NATURE SOLUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 480-486.
54. Kazaqov R. T., Djo'rabayev A. M. MEANS OF RECOVERY OF WORKING CAPACITY OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 902-911.
55. Kazoqov R. T., Djo'rabayev A. M. DEVELOPMENT OF CYBER SPORTS IN UZBEKISTAN //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 893-901.
56. Yaqubov F. M. et al. METHODOLOGY OF SELECTION OF 10-12-YEAR-OLD PLAYERS AND ORGANIZATION OF TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 1271-1279.
57. Казоқов Р. Т. ҚИСҚА МАСОФАГА ЙОГУРУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //Fan-Sportga. – 2022. – №. 7. – С. 53-55.
58. Djo'rabayev A. M., Kazoqov R. T. O'ZBEKISTONDA KIBERSPORTNI RIVOJLANISHI. – 2024.
59. Baltayeva I. T. et al. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
60. Baltayeva I. T. et al. CREATING AN INFORMATION-EDUCATIONAL ENVIRONMENT USING MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 700-708.
61. Пулатова М. Н., Казоқов Р. Т., Султанова Н. К. МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-138.